



QAROR - ҚАРОР

200 йил 4-Март

№ 85-к

«Фариза хусусий ишлаб чиқариш фирмасига умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат курсатиш мажмуаси учун ер ажратиш ва қуришга рухсат бериш тугрисида»

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»-нинг 23 моддасига асосан Ўзбекистон жамоа ҳужалигининг 23.03.2001 йил 1 сонли умумий вакиллар йиғилишининг қарори, «Фариза» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини алоқа хати, туман ер танлаш ишчи гуруҳ томонидан тузилган даълолатномасини инобатга олиб:

Қарор қиламан:

1. «Фариза» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат курсатиш мажмуасини қуриш учун 0,20 га сувли ер майдони ажратиш ҳақидаги Ўзбекистон жамоа ҳужалигининг 2001 йил 23 март 1 сонли умумий вакиллар йиғилиш қарори тасдиқлансин.

2. «Фариза» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат курсатиш мажмуасини қуришдан олдин қатъий равишда лойиха ва маъерий талаблар тўпланмасини тайёрлаб, Давлат қурилиш экспертизаси ва туман яққа тартибда уй-жой қуришининг руйхатидан утқазилгандан сунг лойиха ҳужжатларни туман бош меъмори билан келишилган ҳолда қуриш юқлатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 16 июндаги 223 сонли қарорига асосан ажратилган 0,20 га 63 балли сувли ер урнига тенг баҳодаги янги ерларни узлаштириш учун 87600 сум пул миқдори вилоят ер ресурслари бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига утқазилсини «Фариза» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига топирилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари Ф. Раджабов зиммасига юқлатилсин.

5. Мазкур қарор тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими



Р.Ҳақимова